

UNIVERSITAS  
NORDICA  
INTERNATIONALIS

# Makroiqtisodiyot fani

Bajardi: Xusanova G.S

# Макроиктисодиёт фанига кириш

10  
дан  
2  
слай  
д

# РЕЖА

1. “Макроиктисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти.
2. Макроиктисодиёт фанининг тадқиқот усуллари.
3. “Ресурслар- товарлар ва хизматлар” ҳамда “даромадлар –харажатлар”нинг доиравий оқими модели.

# 1. “Макроиқтисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти.

Предмети

Макроиқтисодиёт ялпи ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилади ва уни макроиқтисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганади.

Мақсади

Макроиқтисодиёт назарияси, макроиқтисодий таҳлил ва давлатнинг макроиқтисодий сиёсати тўғрисида бир тизимга солинган билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат

Вазифалари


Макроиқтисодий муаммоларнинг намоён бўлиши шакллари ва сабаблари, иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсат юритиш хусусиятлари тўғрисида илмий тасаввурларни шакллантириш, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, макроиқтисодий концепция ва моделлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, макроиқтисодий сиёсат натижаларини прогноз қилиш усулларини ўргатишдан иборат.

Макроиктисодий таҳлилнинг тамал тошлари, шунингдек, Ж.Б.Сэй, Л.Вальрас, В.Парето ва бошқа олимлар томонидан XIX асрданок қўйилган эди деб таъкидлаш мумкин. Кейинчалик, К.Маркс ўзининг жами ижтимоий маҳсулот(ЖИМ)ни такрор ишлаб чиқариш схемаси, В.Леонтьев эса ўзининг тармоқлараро баланси билан макроиктисодиётни иқтисодий назариянинг алоҳида бўлими сифатида ажралиб чиқиши учун мустаҳкам асос яратишди.

Иқтисодчи олимлар томонидан макроиктисодий таҳлил элементлари XVIII асрданок қўлланила бошлаган бўлсада макроиктисодиёт фани XX асрнинг ўрталарига келиб мустақил фан сифатида шаклланиб бўлди ва унинг асосчиси деб Ж.М. Кейнс тан олинади.

## Макроиктисодиёт –

бу иқтисодий тизим фаолиятини (хатти-ҳ ҳаракатларини) яхлит, бир бутун кўринишда ўрганувчи ва изоҳх лаб берадиган иқтисодиёт фанининг соҳҳ асидир



Реал иқтисодий ҳ ҳодисаларни  
ва уларнинг ўзаро  
боғ вликларини ўрганеди

Иқтисодий чораларнинг аниқ  
йўналишларни тақдим  
қилади

## Макроиктисодиётнинг асосий масалалари ва таркиби

Макроиктисодиётнинг масалалари	Макроиктисодиётнинг бўлимлари
<p>Миллий даромад миқдорини нима белгилаб беради?</p> <p>Пул нима ва унинг роли қандай?</p> <p>Баҳолар даражаси нима ва унинг динамикасини қайси омиллар белгилаб беради?</p> <p>Бандлик даражасини нима белгилаб беради?</p> <p>Иқтисодий конъюктура ўзгаришларини қайси омиллар белгилаб беради?</p> <p>Барқарор иқтисодий ўсишнинг шартлари қандай?</p> <p>Мамлакатнинг иқтисодий конъюктурасига ташқи дунё қандай таъсир кўрсатади?</p> <p>Давлат барқарор иқтисодий ўсишга эришишни қандай таъминлаши мумкин?</p>	<p>Статик макроиктисодий мувозанат назарияси</p> <p>Пул назарияси</p> <p>Инфляция назарияси</p> <p>Иш билан бандлилик назарияси.</p> <p>Иқтисодий даврлар назарияси</p> <p>Иқтисодий ўсиш назарияси</p> <p>Тўлов баланси ва валюта курси назарияси</p> <p>Давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати назарияси</p>




## Макроиктисодиётни ўрганишда қўлланиладиган асосий усуллар

- Илмий абстракция
- Анализ ва синтез
- Оддийдан мураккабга
- Дедукция
- Индукция
- Статистик
- Иқтисодий-математик усуллар, моделлаштириш



## Макроиктисодий модел

иктисодий ҳодисалар ва жараёнлар орасидаги функционал алоқаларни кузатиш мақсадига қаратилган формал (мантиқий, график, алгебраик) равишдаги таърифдир



# Макроиктисодий модел

**Эндоген  
миқдорлар**

Давлат харажатларининг  
ўзгариши  
Солиқларнинг ўзгариши  
Пул массасининг  
ўзгариши

**Экзоген  
миқдорлар**


Иш билан бандлик  
даражаси  
Ишлаб чиқариш  
даражаси  
Инфляция  
Фоиз ставкаси  
Валюта курси

**Макроиктисодий моделлар иқтисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар ўртасидаги миқдорий, сабаб-оқибат боғланишларини математик формула, график ва чизмалар кўринишида ифодалайди.**

Бунга ялпи талаб-ялпи таклиф (AD-AS) моделини, Кейнс хочини, Филлипс эгри чизиғини, IS-LM моделини, иқтисодий ўсишнинг Домар, Харрод ва Солоу моделларини келтириш мумкин. Бу моделларни бир вақтнинг ўзида ҳам график кўринишда, ҳам алгебраик формула кўринишида тасвирлаш мумкин. Алгебраик формулалар каби макроиктисодий моделлар ҳам икки, уч ёки бундан кўп ўзгарувчилик бўлиши мумкин.

AD-AS моделида ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажмларининг баҳоларнинг умумий даражаси динамикаси таъсирида ўзгариши ва макроиктисодий мувозанатга эришиш механизми ўрганилса, Филлипс эгри чизиғи ёрдамида ишсизлик ва инфляция кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинади.


Соф бозор иқтисодиёти шароити “ресурслар – маҳсулотлар”  
“даромадлар – ҳаражатлар”нинг доиравий айланиши модели ёки  
Иқтисодиётдаги айланма оқимларнинг базис модели



Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда “ресурслар-товарлар ва хизматлар” оқимиға қарама-қарши йўналишда “даромадлар-харажатлар”нинг ҳам доиравий оқими амалға оширилади. Яъни, уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиладилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад оладилар.

Ресурслар ҳамда товарлар ва хизматлар оқими жами таклифни, даромадлар ва харажатлар оқими жами талабни кўрсатади. Давлат иштироки мавжуд бўлмаган ёпиқ иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро тенг бўлиши фирмаларнинг ялпи сотуви, ёки ялпи ишлаб чиқариши ҳажми уй хўжаликларининг ялпи даромадлари, ёки ялпи даромадларига тенг бўлиши шаклида намоён бўлади.

**“Ресурслар-товарлар ва хизматлар”, “даромадлар –ҳаражатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиши модели**



Доиравий оқимлар моделидан чиқариладиган хулоса шуки, давлат, фирмалар, уй хўжаликлари ва ташқи дунёнинг ялпи харажатлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлиши ресурслар, товарлар ва хизматлар оқимлари (яъни реал оқим) билан даромадлар ва харажатлар оқимлари (яъни пул оқимлари) ўзаро тенг бўлишининг асосий шартидир. Ялпи харажатлар ҳажмининг ошиши ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш билан бандлилик даражасининг ўсишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ялпи даромадларнинг ошишига сабаб бўлади. Каттароқ ҳажмдаги ялпи даромадлар унга мос ҳажмдаги ялпи харажатларни белгилаб беради. Сабаб оқибат боғланишлари ўрин алмашиши туфайли доиравий оқимлар модели доиравий айланиш кўринишини олади. Иқтисодиёт барқарор ривожланиб бориши учун ялпи харажатлар тўхтовсиз ўсиб бориши шарт. Бу вазифа бюджет-солиқ сиёсати воситалари бўлган солиқларни ҳамда давлат харажатларини ўзгартириш ҳамда пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида гул массасини ўзгартириш орқали бажарилади.



## Захиралар

фақатгина муайян бир вақт оралиғида ўлчаниши мумкин ва объектнинг маълум санадаги (йилнинг боши ёки охирида) ҳолатини ифодалайди. Масалан, давлат қарзи, иқтисодиётдаги капитал захҳираси, ишсизларнинг умумий сони ва бошқалар.

## Оқимлар

вақт бирлигида ўлчанади (бир ойда, кварталда ва бошқ.) ва иқтисодий жараенларнинг вақт ичида ҳақиқий оқимини ифодалайди: бир йилдаги истеъмол харажатларининг ҳажми, бир йилдаги инвестициялар ҳажми, бир кварталда ишини йўқотганлар ва бошқ.

## Чиқимлар

мамлакат ичидаги даромадни ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олишдан ўзга нарсаларга сарф қилиш. Буларга жамғармалар, солиқлар ва импорт киради.


## Инъекциялар

бу ички ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмоли учун қилинадиган ҳар қандай қўшимчасидир. Буларга инвестициялар, давлат харажатлари ва экспорт киради.

## Макроиктисодий сиёсатнинг асосий шакллари

1. Пул - кредит (монетар) сиёсат
2. Бюджет-солиқ (фискал) сиёсат
3. Инвестиция сиёсати
4. Ташқи савдо сиёсати
5. Ижтимоий сиёсат

«Макроиқтисодиёт» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



## Макроиктисодий сиёсатнинг муҳҳим вазифалари

1. Макроиктисодий барқарорлик
2. Иқтисодий ўсиш
3. Аҳҳоли фаровонлигини таъминлаш

## Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар

1. Campbell R. McConnell. Microeconomics. - Copyright 2015, Macmillan Publishing Company, a division of Macmillan, Inc.
2. Campbell R. McConnel, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. Microeconomics: Principles, Problems and Policies. – 19 th ed. New aYork. The McGaw-Hill Companies, Inc 2015.
3. Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue, Thomas P. Barbiero. Microeconomics. 557 бет. Дарслик. 2015.
4. Robert S. Pindyck, Daniel L. Rubinfeld. Microeconomics. – Copyright 2018, Pearson Education Ltd.
5. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics. Amazon. 7th edition. 2016.
6. Максимова В.Ф. Микроэкономика: учебник. М:Маркет ДС, 2014– 368 с.
7. Salimov B.T., Mustafakulov Sh.I., Yuldashev G'.T., Sultanov B.T. Mikroiqtisodiyot: Masalalar to'plami -T.: TDIU, 2018. - 210 b.
8. Salimov B.T., Yusupov M., Salimov B.B. Mikroiqtisodiyot: Darslik. 2019. - 365 b.
9. Djumayev Z.A. Makroiqtisodiyot. O'quv qo'llanma.- T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2018. - 300 bet.
10. N. Gregory Mankiw. Macroeconomics. 9 th edition. Harvard University. NY.: Worth Publishers, 2016

## Интернет сайтлари

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz) - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сайти.
4. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
6. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.
7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.
8. [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) - Халқаро илмий мақолалар платформаси.
9. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com) - Халқаро илмий мақолалар платформаси.
10. [www.wordbank.org](http://www.wordbank.org) – Жаҳон банки сайти.
11. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)- Халқаро илмий мақолалар платформаси.
12. [www.ebrd.org](http://www.ebrd.org) – Европа тикланиш ва тараққиёт банки сайти.
13. [www.imf.org](http://www.imf.org) – Халқаро валюта жамғармаси сайти.